

Сўнгги азон



08:00 / 15.06.2020 2510

Абдулазиз ибн Абу Рувод айтади: «Бир гуруҳ ҳожилар Каъбага кириб келишди. Уларнинг орасида бир аёл ҳам бор эди. У тинмай: «Роббимнинг байти қаерда?» дер, ёнидагилар «Ҳозир кўрасан», дейишарди. Ниҳоят, Байтуллоҳ кўриниши билан: «Мана, Роббингнинг байти, кўряпсанми?» дейишди. Аёл Байтуллоҳнинг ёнига бориб, «Роббимнинг Байти! Роббимнинг Байти!» дея, пешонасини унга қўйди ва шу ҳолатда жони узилди».

Абу Абдурахмон ибн Уқайл Зоҳирий айтади: «Отамнинг тоғаси Умар ибн Муҳаммад Уқайл раҳимаҳуллоҳ Ҳусайний масжидида чорак асрдан ортиқ – 35 йил муаззин бўлдилар. Иссиқда ҳам, совуқда ҳам бирор марта фарз намозини қолдирмадилар. 90 ёшда Ар-Риёдда вафот этдилар. Вафотларига яқин ногирон бўлиб қолган эдилар. Ўлимларидан бир лаҳза олдин ўғиллари Муҳаммад отасининг ўрнидан туриб, гўзал овозда «Аллоҳу

акбар!» деб азон айтганини кўрган экан».

«Солиҳлар гулшани» китобидан